International Scientific and Practical Conference Samarkand Institute of Economics and Service
Vol. 1 Issue 1 | pp. 121-126 **| ISSN:** XXXX-XXXX
Available online @ https://globalconf.net/index.php/samisi

Article

The Objective of the Green Economy and Strategic Directions for its Development Until 2030

Mamayunus Karshibaevich Pardaev*[1] , Ozoda Mamayunusovna Pardaeva[2], Temur Bahadirovich Sattarov[3]

1. SamISI professor, doctor of economic sciences.
2. Tashkent "Diplomat University" department head, Ph.D.
3. SamISI assistant, independent researcher.

Abstract: The article explores the main objective of the green economy and its role in ensuring economic and environmental sustainability. It also analyzes the strategic directions for developing the green economy until 2030, including the efficient use of natural resources, expansion of renewable energy sources, introduction of energy-efficient technologies, development of environmentally friendly production, and improvement of public welfare.

Keywords: green economy, environmental sustainability, resource efficiency, renewable energy, green technologies, green investments, sustainable development

Citation: Pardaev M. K., Paraeva, O. M., Sattarov, T. B., The Objective of the Green Economy and Strategic Directions for its Development Until 2030. International Scientific and Practical Conference Samarkand Institute of Economics and Service 2026, 1(1), 121-126.

Received: 12th Oct 2026
Revised: 26th Oct 2026
Accepted: 30th Oct 2026
Published: 22th Nov 2026

Copyright: © 2026 by the authors. Submitted for open access publication under the terms and conditions of the Creative Commons Attribution (CC BY) license (https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/)

1. Introduction

Мавзунинг долзарблиги. Яшил иқтисодиёт мамлакатимиз келажагини белгиловчи муҳим йўналиш сифатида илмий-амалий мазмунига алоҳида аҳамият беришни талаб қилмоқда. Шу туфайли ушбу мавзунинг мазкур ишда яшил иқтисодиётнинг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон учун аҳамияти, қайта тикланувчи энергия, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, экологик муаммолар, янги иш ўринлари ҳамда 2030 йилгача белгиланган стратегик мақсадлар ёритишга ҳаракат қилинади. Бундан мақсад яшил иқтисодиётни нафақат экологик, балки иқтисодий ўсиш, аҳоли фаровонлиги ва мамлакат рақобатбардошлигини таъминловчи муҳим омил сифатида очиб беришдан иборатдир.

Бу борада асосий йўналишлар 2019–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг «яшил иқтисодиёт»га ўтиш стратегияси, 2030 йилгача бўлган миллий тараққиёт мақсадлари ва иқлим ўзгариши бўйича халқаро мажбуриятларда белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 4-октябрда имзолаган “2019 — 2030-йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–4477-сонли қарори. (https://www.lex.uz/acts/-4539502?utm_source=chatgpt.com.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрда имзоланган “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ–436-сонли қарори

(https://president.uz/oz/lists/view/5805? utm_source=chatgpt.com) 2030 йилгача белгиланган мақсадли кўрсаткичлар каби бир қанча ҳужжатлар қабул қилинган. Кўриниб турибдики “яшил” иқтисодиётга ўтиш масаласи бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

2. Materials and Methods

Ўзбекистонда яшил иқтисодиётни ривожлантириш бўйича 2030 йилгача белгиланган аниқ мақсадлар белгиланган. Бунинг учун Ўзбекистонда 2030 йилгача яшил иқтисодиётга ўтиш мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини экологик барқарорлик, энергия ва ресурслар тежамкорлиги, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш билан уйғунлаштиришга қаратилган.

3. Results and Discussion

2030 йилгача белгиланган асосий миқдорий мақсадлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида». ПҚ–436-сон қарори билан яшил иқтисодиётга ўтиш ва яшил ўсишни таъминлаш бўйича қуйидаги стратегик мақсадлар белгиланган. Бу қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда яшил иқтисодиётни ривожлантириш бўйича 2030 йилгача белгиланган стратегик мақсадлар[1].

Т/р	Асосий йўналишлар	2030 йилгача мақсад
1.	Иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш	ЯИМ бирлигига нисбатан 2010 йил даражасидан 35% га қисқартириш
2.	Қайта тикланувчи энергия	Ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ошириш
3.	Яшил энергия улуши	Электр энергияси ишлаб чиқаришда 30% дан ортиққа етказиш
4.	Саноатда энергия самарадорлиги	Камида 20% га ошириш
5.	Энергия тежамкорлиги	ЯИМ бирлигига тўғри келадиган энергия сарфини 30% га камайтириш
6.	Сув ресурсларидан фойдаланиш	1 млн гектаргача майдонда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш
7.	Кўкаламзорлаштириш	Шаҳарларда яшил майдонларни 30% дан ортиққа кенгайтириш
8.	Дарахт экиш	Йилига 200 млн туп кўчат экиш, уларнинг умумий сонини 1 млрд тупдан ошириш
9.	Ўрмон ресурслари	Ўрмон фонди захираларини 90 млн куб метрдан ортиққа етказиш
10.	Чиқиндиларни бошқариш	Ҳудудларда 600 та янги чиқинди тўплаш шохобчасини ташкил этиш

Яшил иқтисодиётнинг асосий соҳалар бўйича қўшимча мақсадли кўрсаткичлари 2022 йилда тасдиқланган дастурда кўрсатилган. Шунингдек, унинг мақсадли кўрсаткичларида яна бир қатор аниқ вазифалар ҳам белгиланган. Булар:

[1] Манба: «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида». ПҚ–436-сон қарор ва 2019–2030 йилларга мўлжалланган яшил иқтисодиёт стратегияси.

Қуёш энергетикаси бўлиб, бунда кичик қувватли қуёш фотоэлектр станциялари қувватини 1 500 МВтга етказиш белгиланган. Яна бир йўналиш ичимлик сувини яхшилашга йўналтирилган. Яхшиланган ичимлик суви манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга аҳоли улушини 90 фоизга етказиш вазифаси ҳам белгиланган.

Саноат соҳасига ҳам тегишли топшириқлар берилган. Хусусан, мазкур соҳани умумий электр энергияси истеъмолида саноатнинг улушини 20 фоизга тушириш кўзда тутилган. Ушбу йўналишда қайта тикланувчи энергия масаласида ҳам тегишли вазифалар белгиланган. Бунда, электр энергияси ишлаб чиқаришдаги улушини гидроэнергетика билан бирга 30,5 фоизга етказиш кўзда тутилган. Аҳоли пунктларида яшил майдонлар улушини 30 фоизга етказиш орқали «Яшил макон» деб номланадиган худудларини кенгайтириш вазифаси ҳам белгиланган. Ушбу кўрсаткичлар қарорнинг мақсадли индикаторлар жадвалида акс эттирилган.

Яшил иқтисодиётнинг асосий стратегик йўналишлари қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда яшил иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган асосий стратегик йўналишлар

Т/р	Сратегик йўналишлар	Сратегик йўналишларнинг изоҳи
1.	Энергетик трансформация	Қуёш, шамол ва гидроэнергетикадан фойдаланишни кенгайтириш, анъанавий ёқилғига қарамликни камайтириш
2.	Қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкорлиги	Томчилатиб суғориш, сув тежовчи технологиялар ва экологик тоза ишлаб чиқаришни ривожлантириш.
3.	Саноатни экологик модернизация қилиш	Энергия тежамкор ускуналар, инновацион технологиялар ва кам углеродли ишлаб чиқаришни жорий этиш.
4.	Экологик барқарорлик	Дарахтзорларни кўпайтириш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва ҳаво ифлосланишини камайтириш
5.	Айланма иқтисодиёт	Чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш ва иккиламчи ресурслардан самарали фойдаланиш
6.	Сратегик йўналишлар	2030 йилгача яшил иқтисодиётни ривожлантиришнинг иқтисодий аҳамияти

Ушбу мақсадларга эришиш ва белгиланган йўналишларни бажариш қуйидаги иқтисодий натижаларни таъминлашга хизмат қилади. Энг аввало, иқтисодий самарадорликка эришилади. Ушбу ҳолат энергия, сув ва бошқа ресурслар сарфини камайтириш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш.

Мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги ошади. Яратилган яшил технологиялар ва экологик лойиҳаларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш имконияти кенгаяди. Бир вақтнинг ўзида янги иш ўринлари ҳам яратилади. Бунда қайта тикланувчи энергетика, чиқиндиларни қайта ишлаш ва экологик хизматлар соҳасида янги касбларни шакллантириш зарурияти туғилади ва иш ўринларининг кўлами кенгаяди.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ҳам ошади. Булар сувни тежаш, ер унумдорлигини ошириш ва экологик тоза маҳсулотлар етиштириш эвазига амалга оширилади. Чунки тоза маҳсулотлар экспорт қилинади ва мос равишда нархи ҳам ошиб боради. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида аҳоли фаровонлигининг ошишига олиб келади. Шунингдек, экологик тоза муҳит, сифатли ичимлик суви ва соғлом яшаш шароитларини таъминлаш имконияти ҳам яратилади.

Ўзбекистоннинг 2030 йилгача яшил иқтисодиётга ўтиш мақсадларини қуйидаги Яшил иқтисодиёт моделини ифодалайдиган илмий формула билан ифодалаш мумкин. Бу қуйидагиларни ўз ичига олади. Бу қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Яшил иқтисодиёт натижасида барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш имкониятлари

Расмдан кўриниб турибдики, яшил иқтисодиёт натижасида экологик барқарорликка эришилади. Бу ресурслар тежамкорлигига олиб келади. Чунки ушбу ўзгаришлар инновацион ва яшил технологияларни жорий қилишни тақозо қилади. Буларнинг барчаси барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди. Бунинг учун самарали ишлаб чиқаришга эришилиб, яшил инвестициялар ҳам жалб қилинган бўлади. Буларнинг барчаси яшил иқтисодиёт натижасида барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш имкониятларини яратади. Демак, яшил иқтисодийт аҳоли фаровонилигини оширишнинг муҳим омилларидан бири эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Шу билан"яшил" иқтисодиёт тушунчасининг мазмунини тўлиқ қамраб оладиган илмий фикрлар жамланди, деб ўйлаймиз. Бундан келиб чиқиб ушбу категориянинг таърифини ишлаб чиқиш мумкин, деган хулосага келинди.

Биз яшил иқтисодиёт тушунчасига қуйидагича таърифни шакллантиришга муваффақ бўлдик. **Яшил иқтисодиёт деганда, инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарур бўлган ресурсларни, атроф-муҳит ва экологияни бир бутун ҳолда сақлаб қолиб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ иқтисодиётни янада ривожлантиришни амалга оширишга асосланган иқтисодий фаолиятнинг янги йўналиши тушунилади.** Юқорида кўрганимиздек, яшил иқтисодиёт – мамлакатимиз келажагини белгиловчи муҳим йўналишлардан биридир.

Энди яшил иқтисодиётнинг турларига эътиборни қаратамиз. Ушбу иқтисодиёт орқали экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, энергия тежамкорлигини ошириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган иқтисодий тизим шаклланади. Булар яшил иқтисодиётнинг фаолият йўналишларини белгилаб беради. Бу эса, ўз навбатида иқтисодиёт тармоқларига кўра бир нечта турларга ажратиш мумкинлигини кўрсатади. Шундай қилиб, яшил иқтисодиётнинг қуйидаги турлари мавжудлигига амаин бўлдик. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

Яшил иқтисодитнинг асосий турларининг тизимлаштирилган таснифи ва уларнинг мақсадлари

Т/р	Яшил иқтисодиётнинг асосий турлари ва йўналишлари	Яшил иқтисодиётнинг асосий турларининг мақсадлари
1.	Яшил энергетика	Тоза энергия ишлаб чиқариш
2.	Яшил қишлоқ хўжалиги	Озиқ-овқат хавфсизлиги ва ресурс тежамкорлиги
3.	Яшил саноат	Экологик тоза ишлаб чиқариш
4.	Яшил транспорт	Атроф-муҳит ифлосланишини камайтириш
5.	Яшил қурилиш	Энергия самарадорлигини ошириш
6.	Яшил қайта ишлаш	Чиқиндиларни камайтириш
7.	Яшил экологик иқтисодиёт	Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш
8.	Яшил туризм	Барқарор туризмни ривожлантириш
9.	Яшил молия	Экологик инвестицияларни рағбатлантириш

Жадвалдан кўриниб трибдики, яшил иқтисодиётнинг асосий турлари тўққизта йўналишда, барча иқтисодий, ижтимоий ва экологик тармоқларни қамраб олади.

Булардан бири **яшил энергетика бўлиб бунга қ**уёш, шамол, гидроэнергетика ва биомасса каби қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш. Шу туфайли бунда экологик жиҳатдан тоза энергия ишлаб чиқарилади.

Яна бир йўналиши **яшил қишлоқ хўжалиги** бўлиб, бунда сувни тежаш, органик деҳқончилик, экологик тоза маҳсулот етиштириш ва тупроқ унумдорлигини сақлашга қаратилган. Натижада озиқ-овқат хавфсизлиги ва ресурс тежамкорлиги таъминланади.

Яшил саноат ҳам яшил иқтисодиётнинг асосий турларидан бирини ташкил қилади. Бунда кам чиқиндили ишлаб чиқариш, ресурс тежамкор технологиялар ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўга қўйилади.

Яна бир йўналиш бугунги кунда энг муҳим йўналишлардан бири бўлган **яшил транспорт** бўлиб ҳисобланади. Бунда электромобиллар, экологик тоза жамоат транспорти, велосипед инфратузилмаси ва транспорт чиқиндиларини камайтиришга эришилади. Бу айнан атроф-муҳит ифлосланишини камайтиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда энг ривожланган соҳалардан бири **яшил қурилиш ва шаҳарсозлик** бўлиб, бу энергия тежамкор бинолар, экологик қурилиш материаллари ва яшил шаҳар муҳитини шакллантириш билан бирга олиб борилмоқда. Бунда бир вақтнинг ўзида атроф-муҳитнинг ифлосларишининг олдини олиш билан бирга энергия самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилиб келмоқда.

Охирги пайтларда пайдо бўлган **яшил қайта ишлаш иқтисодиёти** ҳам яшил иқтисодиётнинг ривожланишида катта аҳамият кесб этмоқда. Бунда чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш, иккиламчи хомашёдан фойдаланиш ва айланма иқтисодиётни ривожлантиришга эришилиши билан бирга ҳудудларда чиқиндиларни камайтиришга қилаётган хизматлари ҳам жуда катта ва муҳим бўлмоқда.

4. Conclusion

ИИ может поддерживать зеленую трансформацию туризма через более обоснованное планирование, качественное обслуживание и контроль ресурсов. Подтверждение эффективности требует сопоставления затрат и результатов, а также учета сезонности и загрузки предприятия.

Предлагается начинать внедрение с измеримой управленческой задачи; заранее устанавливать критерии качества; учитывать стоимость интеграции и проверки; оценивать ресурсы одновременно на госте-ночь и в абсолютном выражении; обеспечивать обучение работников и защиту информации. Расширение применения следует проводить после оценки ограниченного пилота.

Вклад исследования состоит в согласовании экономических, сервисных, ресурсных и трудовых показателей в единой процедуре оценки. Их нецелесообразно объединять в индекс без обоснования весов: экономия может скрывать ухудшение качества или рост общей нагрузки. Эмпирическая проверка на туристических предприятиях Узбекистана позволит уточнить условия применимости предложенного подхода.